

суғурталаса, иккинчи томон аксинча курс тушиб кетишидан ҳимояланиш пайида бўлади. Бундан кўринадики, Марказий банк валюта бозоридаги интервенция орқали валюта курсининг муттасил ўсишига барҳам бериши керак. Талаб ва таклиф асосида курс шаклланиши табиийки, ҳам пасайиш ва ўсишни қайд этади. Бу эса, валюта бўйича СВОП, форвард, фьючерс ва

опционлар билан операцияларни ривожлантиришга замин яратади. Муддатли валюта операциялари ривожланишининг дастлабки шароитларида Марказий банк ликвидлиликни таъминловчи сифатида иштирок этиши керак, яъни муддатли валюта бозорида ҳам интервенция ўтказиши лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари миллий базаси.
2. Рикардо Д. Сочинение. Том 2. Пер. с англ. – М.: Политическая литература, 1955. – С. 55.
3. Махлуп Ф. Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – С. 22-82.
4. Селигмен Б. Основные течения современной экономической мысли / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1968. – С. 385.
5. Friedman M. How Well are Fluctuating Exchange Rates Working.-American Enterprise Institute, 1973. –№8. -P.5.
6. Viner J. Problems of Monetary Control. – Princeton, 1964. –Р. 245
7. Пакова О.Н., Нехорошева К.И., Побережная Е.В. (2017) Валютные рынки и валютные операции в условиях глобализации / Международный научный журнал «Символ науки» № 01-1/2017. С.56-58.
8. Хошимов Э.А. (2010). Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Академнашр, 2010 й. – 168 б.
9. Абдуллаева Ш. Халқаро валюта кредит муносабаталри. Тошкент 2005 йил
10. Абдуллаева Ш.З. (2005) Халқаро валюта-кредит муносабатлари.– Тошкент қ “IQTISOD-MOLIYA”, 2005. -588 б.
- Бобакулов Т.И. (2007) Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: қ муаммолар ва ечимлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. -184 б. Жумаев Н.Х. (2007) Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиши методологиясини тақомиллаштириш. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2007.- 232 б.
11. Жумаев Н.Х., Зияев М.К., Бердияров Б.Т., Хошимов Э.А., Мирзаев Ф.И. (2010) Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. Жамоавий монография. – Т.: Молия, 2011. – 184 б. Пакова О.Н., Нехорошева К.И., Побережная Е.В. (2017) Валютные рынки и валютные операции в условиях глобализации. / Международный научный журнал «Символ науки» № 01-1/2017. – С.56-58.
12. Хошимов Э.А. (2010). Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Академнашр, 2010 й. – 168 б.



ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ РАҶАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Азларова Азиза Ахроровна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Банк иши ва инвестициялар кафедраси и.ф.н., доцент

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a11

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон банк тизимини раҷамлаштириш масалалари, тижорат банкларининг мижозларга кўрсататётган хизматлар кўламини кенгайтириш, янги банк хизматларини жорий этиши орқали юқори самарадорликка эришиш масалалари тадқиқ қилинган.

Калим сўзлар: тижорат банки, тараққиёт тамойиллари, рақобат, стратегия, банк маҳсулоти, банк хизматлари, мижозлар, тадбиркорлик субъектлари, валюта.

ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА

Азларова Азиза Ахроровна
Ташкентский государственный экономический университет, к.э.н., доцент кафедры
«Банковское дело и инвестиции»

Аннотация. В данной статье исследованы вопросы цифровизации банковской системы Узбекистана, расширения сферы услуг, предоставляемых коммерческими банками клиентам, достижения высокой эффективности за счет внедрения новых банковских услуг.

Ключевые слова: коммерческий банк, принципы развития, конкуренция, стратегия, банковский продукт, банковские услуги, клиенты, бизнес, валюта.

ISSUES OF DIGITIZATION OF THE BANKING SYSTEM OF UZBEKISTAN

Azlarova Aziza Azlarova -
*Tashkent State University of Economics,
 Candidate of Economics, Associate Professor of
 the Department of Banking and Investments"*

Abstract. In this article, the issues of digitization of the banking system of Uzbekistan, expansion of the scope of services provided by commercial banks to customers, achieving high efficiency through the introduction of new banking services have been investigated.

Key words: commercial Bank, principles of development competition, strategy, banking product, banking services, customers, businesses, currency.

Кириш. Бугунги кунда республикамизнинг банк тизими ривожланиш истиқболлари бевосита уларни янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш, аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг банкларга ишончини ошириш, банк тизимида илғор, информацион ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўлланган ҳолда банк хизматларини кўрсатиш, хусусан, он-лайн депозит ҳамда он-лайн кредитлаш амалиётларини жадаллаштиришга боғлиқдир. Ҳозирда Ўзбекистон банк тизимида 33 та банк, жумладан, 12 та давлат улушкига эга, шунингдек, 15 та хусусий ва 5 та хорижий банклар мавжуд. 2021 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, банкларнинг активлари 39 млрд. долларни (419 трлн. сўм) ташкил этиб, уларнинг 82 фоизи давлат банкларига тегишилдири. Банкларнинг мажбуриятлари 33 млрд. долларга (352,6 трлн. сўм) етди, шундан 40 фоизини депозитлар ташкил этади. Банкларнинг умумий капитали 6,2 млрд. доллар (66 трлн. сўм) даражасида бўлиб, шундан 81 фоизи давлат банклари капиталига тўғри келмоқда [10].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Рақамли иқтисодиёт шароитида тижорат банкларининг банк тизимидаги ўрни мижозга қаратилган стратегиялар асосида ривожланади. Шу жиҳатдан хорижлик иқтисодчи олим Дж.Кронкнинг фикрича, кўплаб банк мижозларининг банк хизматларидан қониқмасликлари олдини олишда рақамли трансформация молия тизими нинг "кутқарув айланаси" ҳисобланади [4].

Жумладан, К.Скиннер [5] ва Б.Кинг [6] рақамли банк асосларининг хусусиятлари ва ривожланишнинг янги босқичларини ёритиб берган. Хорижлик иқтисодчи Peter C. Verhoef ҳам ўз тадқиқотларида рақамли трансформация юзага келишининг учта асосий ташқи омилларини санаб ўтган. Бу ҳолда, аввало, интернетнинг пайдо бўлиши билан вужудга келган рақамли технологияларни (интернет, смартфонлар, Web 2.0, булутли технологиялар, он-лайн тўлов тизимлари ва криптовалюталар) ўз ичига олувчи дастлабки босқич. Сўнгра рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши билан боғлиқ ҳолда электрон тижоратда кучли рақобат юзага

келиши ва Facebook, Apple, Amazon, Netflix ва Google каби рақамли технологияларга асосланган компанияларнинг даромади ортиб кетишини ўз ичига олган босқич. Шу билан бирга, у ташкилотларнинг рақамли трансфор-мациядан унумли фойдаланиши натижасида талабчан харидорларга ижтимоий тармоқлар орқали янада тўлиқ маълумот бериш имкониятини яратган учинчи босқични алоҳида ажратиб кўрсатади ҳамда бу жараён мижозлар базасини кенгайтиришда уларнинг мойил (лоялность)лигини таъминловчи асосий омил деб ҳисоблайди [7].

Peter C. Verhoef рақамли технологиялар ривожланишининг уч босқичини кўрсатиб ўтган. У: "Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, балки ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиласиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотища ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор", – деб таъкидлаб ўтди [3].

"Рақамли иқтисодиёт жамият неъматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларида электрон ҳамда ахборот-коммуникацион технологияларни кенг жорий этишини кўзда тутадиган инсоннинг хўжалик фаолиятини тадқиқ этувчи фандир" [13]. Халқаро валюта фондига кўра "молиявий технологиялар"га (fintech) молиявий хизматларни кўрсатища фойдаланилувчи исталган технологиялар тааллуқли [14].

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси талқинига кўра, молиявий технологиялар тушунчasi янги бизнес-моделлар, жараёнлар, маҳсулотларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган, молия бозорлари ва институтларига таъсир кўрсатувчи технологик молиявий инновациялар ва ушбу технологиялардан фойдаланиб тақдим этиладиган молиявий хизматларни қамраб олади [15]. Филиппоннинг фикрича, молиявий технологиялар трамоқлар ўртасидаги чегараларни "ўчиради", маҳсулот ва хизматларни яратиш ва етказиб бериш механизмларини тубдан ўзгартиради ҳамда тадбиркорлик фаолияти учун кўшимча рафбат ва янги имкониятларни

юзага келтиради[16]. Шунга ўхшаш фикр С.Мерлер томонидан ҳам билдирилган бўлиб, молиявий технологиялар молиявий хизматларни кўрсатишни енгиллаштирувчи рақамли инновациялар ва технологияларни тавсифлаш учун қўлланилади [17].

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон банк тизимининг тараққиёт тамойиллари ва ривожланиш истиқболлари, тижорат банклари нинг мижозларга кўрсатаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, рақамли трансформация жараёнида янги банк хизматларини жорий этиш масалалари кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Жумладан, ўзбекистонлик атоқли олим, академик С.С.Гуломов ҳамда иқтисодчилар Р.Х.Аюпов, Г.Р.Балтабаеванинг фикрича, “Рақамли бизнес табиий ва рақамли дунёни бирлаштирувчи янги бизнес-моделлар пайдо бўлишидир” [8].

Шунингдек, Ш.З.Абдуллаева, Т.И.Бобоқулов, И.Р.Тоймухамедов, Б.Т.Бердияров[9] ва бошқалар томонидан ҳам тадқиқ қилинган. Бу иқтисодчиларимиз ўз тадқиқотларида рақамли иқтисодиётни ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизими сифатида баҳолашади.

Фикримизча, анъанавий банклар фаолиятида моддий буюмлар асосий ресурс ҳисобланса, рақамли банкларда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар базаси ҳисобланади, айнан маълумотлар таҳлилидан сўнг банкда самарали бошқарув бўйича ечим ишлаб чиқиши имконияти яратилади.

Демак, бугунги рақамли трансформациялашув шароитида тижорат банкларининг рақобатбардошлигини тадқиқ қилиш масалаласи долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот методикаси. Мақолани тайёрлашда банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ амалий маълумотлар таҳлил қилинди, тижорат банкларининг бизнес режалари, маркетинг стратегиялари таҳлилий ўрганилди ва барча фойдаланилган маълумотлар амалдаги қонун ҳужжатлари ва статистик кўрсаткичлар асосида муаллиф томонидан тадқиқ қилинди.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда умумий тарзда республика банк бозорининг бугунги кундаги ўзига хос томонларидан келиб чиқиб, унинг истиқболини қўйидагича акс эттиришимиз мумкин:

❖ банк бозори йирик ўсиш суръатларига эга. Республика ҳукумати томонидан банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ва янада либераллаштириш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2021 йил якунлари

бўйича ҳам банк тизими йиллик 20 %дан кам бўлмаган ўсиш суръатларини давом эттириди, бу эса банк тизимининг келгусида ўсиши учун катта имкониятлар мавжудлигини англатади;

❖ республика банкларининг хизмат кўрсатиш профили бир-бирига жуда ўхшаш. Республика банк тизимининг нисбатан ҳали ёшлиги туфайли тижорат банклари томонидан ҳозирги кунда комплекс хусусиятга эга банк брендини бошқалардан фарқли қилишга дастлабки ҳараратлар кузатилмоқда. Яқин келажакда ўзаро рақобатнинг кучайиши банк тизимида маркетинг хизматининг роли ошиши, банк брендларининг ривожлантирилиши борасидаги ишларни жадаллаштиришни кутиш мумкин;

❖ тижорат банклари, асосан, кам сонли мураккаб бўлмаган хизматларни кўрсатмоқда. Яқин келажакда республика иқтисодининг янада ривожланиши, мамлакат жаҳон банк тизими билан фаол интеграциялашуви ҳамда мижозларнинг молиявий билимлари ошиши натижасида қўшимча, мураккаброқ хизматларга талаб ошиши кутилмоқда;

❖ корпоратив мижозлар учун кучли рақобат мавжуд. Бу рақобат банклардан банк тизимида кичикроқ даражада боғланган кичик бизнес ҳамда жисмоний шахслар гуруҳлари ҳисобига ривожланиши талаб қиласи. Бунинг натижасида банклардан ушбу гуруҳлар учун керакли молиявий хизматлар кўрсатиш имконияти ҳамда кўп сонли, лекин бир мижозга ҳисобласа, кам даромад келтирувчи мижозлар гуруҳи билан ишлаб, даромад келтириш имкониятини берадиган инфратузилмага эга бўлишини талаб қиласи;

❖ узоқ муддатли ресурслар танқислиги. Замонавий ҳолатда банк тизимида узоқ муддатли ресурслар танқислиги мавжуд. Фикримизча, узоқ муддатли ресурслар жалб қилишнинг истиқболли йўналишларидан бири жаҳон молиявий бозорларидан ресурс жалб қилишдир. Бу эса банклардан халқаро алоқаларни янада кучайтириш ва жаҳон стандартлари асосида ишлашни талаб этади.

Банк тизимида замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологиялари, яъни молиявий технологияларни кенг жорий этиш, уларда ахборот хавфсизлигини етарли даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 20 август куни мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган очиқ мулоқотда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қийнаётган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган 7 та муҳим йўналишни кўрса-

тиб ўтди[19]. Биринчи йўналиш бизнесни молиялаштириш, иккинчиси солиқ тизимини та-комиллаштириш ва бизнесга солиқ юкини камайтириш, учинчиси ер ажратиш, тўртингчиси инфратузилма, бешинчиси экспортчи корхоналарни қўллаб-куватлаш, олтинчиси транспорт-логистика, еттингчиси соҳадаги тартиб-таомиларни соддалаштириш масалаларига қаратилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектлари томонидан бўлган мурожаатларнинг 40 фоизи биз-

несни молиялаштириш ва молия-кредит масалалари билан боғлиқ. Жумладан, кредит ставкаларининг юқорилиги ва кўплаб кредитлар қисқа муддатга, тадбиркор учун ноқулай шартларда берилаётгани қайд этилган. Шунингдек, хорижий валютадаги кредитлар валюта курсининг мунтазам ўсиши ҳисобига тадбиркор учун қўшимча харажатларни юзага келтираётгани айтиб ўтилган.

1-расм

Банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари тўғрисида маълумот[20]

(млрд. сўмда)

Кўрсаткич номи	01.01.2021 й.			01.01.2022 й.		
	Жами	шундан:		Жами:	шундан:	
		Давлат улуши мавжуд банклар	Бошқа банклар		Давлат улуши мавжуд банклар	Бошқа банклар
Активларнинг мажбуриятларга нисбати	119 %	119 %	120 %	119,0 %	118,9 %	119,1 %
Активлар	366 121	307 795	58 326	444 922	362 422	82 501
Мажбуриятлар	307 770	259 137	48 633	374 005	304 727	69 278
Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати	241 %	302 %	100 %	209,0 %	268,7 %	89,2 %
Кредитлар	276 975	242 632	34 342	326 386	280 074	46 312
Депозитлар	114 747	80 339	34 407	156 190	104 248	51 942

Юқоридаги жадвал маълумотлари таҳлилидан активларнинг мажбуриятларга нисбати давлат улушига эга банклар билан давлат улушига эга бўлмаган банклар орасида деярли фарқ йўқ. Жумладан, сўнгги 2 йил ичидаги уларнинг бу соҳадаги кўрсаткичлари ўртача 119 фоиз даражасида сақланиб қолган.

Лекин кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбатида давлат улушига эга банкларнинг даражаси юқоридир. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2021 йил 1 январь ҳолатига давлат улушига эга банкларда 302 фоиз, бошқа банкларда эса 100 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йил 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич тегишли равишда 268,7 фоиз ва 89,2 фоизга teng бўлган. Демак, давлат улушига эга бўлмаган банкларда депозит операцияларини кенгайтиришда муаммоли ҳолатлар мавжудлигидан дарак беради.

Шу боис банкларнинг капиталини ошириш чоралари белгиланган. Хусусан, келгуси йилда банкларга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан бозор тамойиллари асосида қўшимча 600 миллион доллар ажратилади. Халқаро молия бозорларида 5 трilliон сўмлик миллӣ валютада евробондлар чиқарилади. Хорижий банклар кириб келишига кенг имкониятлар яратилади.

Яна бир муҳим янгилик банклар ресурсни қандай валютада жалб этишидан қатъи назар тадбиркорларга кредитни сўмда ва мақбул фоизларда бериш тизими йўлга қўйилиши бел-

гиланган. Шу мақсадда Молия вазирлиги хузурида Валюта хатарларини бошқариш компанияси ва ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилиши белгиланди.

Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Иқтисодиётга арzon кредит берамиз деб, макроиқтисодий барқарорликни унутиб қўй-маслигимиз лозим”лигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Кредит фоиз ставкаларини сунъий пасайтириш пул бозоридаги мувозанат бузилишига олиб келиши, иқтисодиётга арzon кредит берилиши натижасида макроиқтисодий барқарорликнинг мутаносиблиги бузилишига йўл қўй-маслик кераклиги айтиб ўтилган[21].

Тижорат банкларининг бирламчи вазифаси мижозларга сифатли хизмат кўрсатишидир. “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”да замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш учун зарур шартшароитлар яратиш мақсадида тижорат банкларини корпоратив трансформация қилиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида асосий вазифалар белгилаб олинган [2]:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан, kontaktсиз тўловлар сони ва қамровини кенгайтириш;

- автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш ва кредит конвейерларидан кенг фойдаланиш;

- банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;

- банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни кенг жорий қилиш (финтех, рақамли банк).


Маълумки, банклар тақдим этаётган хизмат турлари кундан-кунга янгиланиб, такомиллашиб бормоқда. Бу янги инновацион ғояларга асосланган банк маҳсулотлари яратилиши мақсадида тинимсиз изланишлар олиб бориш ва юқори сифат даражасида мижозларга хизмат кўрсатишни тақозо этади.

Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантириш ҳамда молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди.

Хусусан, халқаро стандартларга мувофиқ келадиган ва молиявий соҳага хорижий инвестициялар киритиш учун жозибадор ҳуқуқий муҳитни яратадиган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги янгилangan қонунлари қабул қилинди [1].

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш учун, молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг худудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши зарур.

Шу билан бирга, республикамиз аҳолиси ўртасида молиявий оммабоплик даражасини оширишда бир қатор муаммолар мавжуд (1-расм).



1-расм. Молиявий оммабоплик даражасини оширишдаги муаммолар ва камчиликлар

Манба: Марказий банк маълумотлари асосида шакллантирилган.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш, рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш, кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни кенгайтириш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорликнинг молиявий саводхонлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қартиш лозим.

Шу билан бирга, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили банк тизимида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштироқидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёjlарига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсат-

моқда.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон банк тизимининг бугунги тараққиёт тамойиллари банк инфратузилмасини кенгайтириш, масофадан идентификация қилиш (e-ID ва e-KUC), масофадан банк хизматларининг функционал имкониятларини кенгайтириш, QR-код асосида тўловларни амалга оширишни ривожлантириш, кичик бизнес субъектларига мўлжалланган замонавий кредит маҳсулотларини яратиш, банкларнинг скоринг моделларини такомиллаштириш ҳисобланади.

Ўзбекистон банк тизимининг ривожланишида қуидаги таклифларни асосли деб ҳисоблаймиз:

– республикамизда Нито ва Uzcard чакана тўлов тизимларининг интеграциялашуви мавжуд тўлов инфратузилмасидан самарали фойдаланиш имкониятини яратиш билан бирга мамлакат бўйлаб тўлов терминаллари ва банкомат-

лар тармоғини кенгайтиришга ҳам ҳисса қўшади;

– энг янги молиявий технологиялардан (финтек) кенг фойдаланиш молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг жорий харажатларини камайтириш ҳамда молиявий хизматларнинг операцион самарадорлигини ошириш ва уларнинг сифатини таъминлашга хизмат қиласди;

– банк тизимида маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишда замонавий автоматлаштирилган тизимни кенг жорий этиш банклар фаолиятида ишончли маълумотлардан фойдаланиш, маълумотларни тўплаш жараёнида инсон омилини камайтиришга олиб келади;

– банк ва молия соҳасида киберхавфсизлик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, молиявий фирибгарликка қарши курашиб чораларини кўриш мақсадида Марказий банк ҳузурида замонавий Fin CERT марказини ташкил этиш ва уни ривожлантириш, банклар, тўлов тизимлари ва тўлов ташкилотларида самарали ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик тизимини жорий этишда асосий дастаклардан бири бўлади.

Бундай вазифаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад республикамида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асносида аҳолининг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизнинг халқаро майдон-

даги интеграциясини жадаллаштиришдан иборат.

Аҳолига хизмат кўрсатувчи банклар роли фаоллашувининг аҳамияти шундан иборатки, кам харажатлар билан максимал самарага эришиш, мижозларнинг банк хизматлари кўрсатишига эҳтиёжларини тўлаёнли қондириш имконини беради.

Умуман, тўлов ва банк хизматлари соҳасидаги қатъий рақобатга барҳам бериш зарурати аҳоли молиявий маданияти ошиши шароитида банкларга нисбатан муайян талаб кўяди. Бундай ҳолда юқори сифатли рақамли банкинг хизматларини тақдим этувчи банклар, шубҳасиз, устунликларга эга бўлади. Чунки фақатгина банк хизматлари бозорида рақобат ривожланиши натижасида ўз фаолиятини банк бизнесининг янги талаблари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига мувофиқ ўзгартирган банклар фаолияти барқарор бўлади.

Мазкур вазифаларнинг тижорат банклари амалиётига жорий этилиши банкларда мижозлар базаси кўпайиши ва уларга ишонч ортиши, аҳолининг даромадлари ортиши, республикада камбағаллик даражаси камайиши, иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда банк тизими барқарорлиги ортишига хизмат қиласди, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги ЎРҚ-578-сонли қонуни. 01.11.2019 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида" ПФ-5992-сонли фармони. 12.05.2020. <https://lex.uz/docs/4811025>
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020 й. <https://uza.uz/uz>
4. Кронк Дж. Цифровая трансформация финансовых услуг – надежное вложение в будущее. URL: https://www.cisco.com/c/dam/m/ru_ru/internet-of-everything-ioc/assets/pdfs/Cisco_Financial_m.pdf
5. Скиннер К. Цифровой банк. Как создать цифровой банк или стать им. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2015. – 308 с.
6. King B. Bank 4.0. Banking everywhere, never at a bank. Marshall Cavendish, 2018. – 347 p. REFERENCES.
7. Peter C. Verhoef, et al., "Digital transformation: A multidisciplinary reflection and research agenda" Published in Journal of Business Research, November 2019.
8. Аюпов Р.Х, Балтабаева Г.Р., Гуломов С.С. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. 161-бет.
9. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2017. – 732 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумоти.
11. <https://review.uz/oz/post/ iqtisodiy-tadqiqotlar-va-islohotlar-markazi-banklar-faollilik-indeksini-ishlab-chiqdi>
12. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/588197/>
13. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. (2019) Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. – Т.: ТМИ, "Иқтисод-молия" нашриёти, 2019. – 447 б.
14. IMF (2017). Fintech and financial services: Initial considerations. IMF Staff Discussion Notes, No. SDN/17/05.
15. BCBS (2018). Implications of fintech developments for banks and bank supervisors. Basel Committee on Banking Supervision.
16. Philippon T. (2016). The fintech opportunity. NBER Working Paper, No. 22476
17. House of Commons 2016: The Digital Economy
18. <https://publications.parliament.uk/pa/cm201617/cmselect/cmbis/87/87.pdf>
19. <https://president.uz/uz/lists/view/4550>
20. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/588197/>
21. https://www.youtube.com/watch?v=BqPYHt9TA_8
22. <https://lex.uz/>